

Етказиб бериш шартномаси № 13

« 28 » январь 2022 года

Асака туман

Тезкор таъминот МЧЖ. корхонаси кейинги ўринларда «Таъминотчи» деб юритилади номидан уз Низомига мувофик иш юритувчи корхона раҳбари З Абдуоитов, бир томондан ва «« Вилоят фтизиатрия ва пульманология маркази»» (кейинги уринларда Ташкилот еки муассаса деб юритилади) номидан уз низоми асоссида иш олиб борувчи раҳбар Ф.Насритдинов, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидаги мазмунда туздилар.

1. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1 «Таъминотчи» мазкур шартномада келишилган озик-овкат махсулотларини келишилган муддатларда «Ташкилот» га етказиб бериш, «Ташкилот» эса махсулотларни кабул килиб олишни ва пулини тулаш мажбуриятини олади.

«Таъминотчи» озик овқат махсулотларни қуидаги микор ва нархларда етказиб беради:

2. ТАЪМИНОТ ШАРТЛАРИ

2.1 «Таъминотчи» таъминотни факатгина «Ташкилот » буюртмасини олгандан сунг амалга оширади, Махсулотни буюртма олгандан сунг З кун ичиди белгиланган хажмда амалга оширада.

2.2 «Таъминотчи» маҳсулотни «Ташкилот» нинг куйидаги манзилига автомобил транспорти оркали етказиб беради. Етказиб бериш манзили : Асака туман, Янги Ҳаёт Янги Сор

2.3 Махсулотлар «Ташкилот» нинг омборига етказиб берилгандан ва белгиланган тартибда кабул килиб олингандан сунг, махсулотга эгалик хукуки ва жавобгарлик мажбурияти «Ташкилот» га утади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ ХУКУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1 «Ташкилот» маҳсулот етказиб берилиши белгиланган вактга кадар 3 кун муддат ичидаги «Таъминотчи» га маҳсулот учун буюртмани куйдагиларни курсатган холда тақдим этади:

- Етказиб берилиши керак булган махсулотлар микдори;
 - Махсулот сифати;
 - Махсулот ассортименти;

3.1 Етказиб берилиши керак болган махсулотнинг ассортименти микдори хамда таъминот муддатларини «Ташкилот» мустакил равиша, ушбу шартноманинг тузилиши учун асос болган танлов (тендер) савдоси ташкил этган комиссия баённомасида курсатилган ёки комиссия томонидан куйилган шартлардан келиб чиккан холда белгилайди.

3.2 «Таъминотчи» томонидан махсулотлар етказиб берилмайдан келишилган холда, шартнома амал килиш муддатида, кейинги етказиб берилиши кузда тутилган махсулотларга кушиб етказиб бериш мажбуриятини олади.

- 3.3 «Таъминотчи» томонидан етказиб бериш муддатлари утказиб юборилган маҳсулотларни «Ташкилот» огохлантирилган холда кабул килмаслик хукукига эга.
- 3.4 «Таъминотчи» томонидан етказиб берилган маҳсулотлар сифати талабга жавоб бермаслик холатларида «Ташкилот» куйидаги талабларни куйиш хукукига эга.
- Харид нархларини (етказиб берилган сифатсиз маҳсулотлар киймати билан сифатли маҳсулотлар киймати уртасидаги фарқ) га камайтириш;
 - Сифатсиз маҳсулотларни, «Таъминотчи» хисобидан сифатли маҳсулотларга 1 кун муддатда алмаштириб беради;
 - Сифатсиз маҳсулотларни «Ташкилот» томонидан уз маблаглари эвазига, яроклисини ажратишга уни тозалашга ва маҳсулотни ярокли холга келтириш учун бошка харажатларни тулаш;
- 3.5 Агар «Таъминотчи» мазкур шартномада белгиланган микдордаги маҳсулотни етказиб бермаса ёки «Ташкилот» нинг сифатсиз маҳсулотларини алмаштириб бериш хакидаги талабларини бажармаса белгиланган тартибда кушимча келишувга асосан бекор килиниши мумкин.

4 МАҲСУЛОТЛАР БАХОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

4.1 Шартноманинг умумий киймати: 15 500 000 сум. (Ун беш миллион беш юз минг сум 00 тийин) ташкил этади. Олинган маҳсулотлар учун туловлар «Ташкилот» томонидан пул утказиш йули билан амалга оширилади.

4.2 Шартнома кучга кириб, тегишли газначилик тизимидан руйхатдан утгандан сунг беш банк иш кунида «Ташкилот» етказиб бериладиган маҳсулотларнинг умумий суммасининг 30% изи олдиндан аванс тарикасида «Таъминотчи» нинг хисоб ракамига утказиб беради.

Колган охирги 70% изи «Таъминотчи» томонидан етказиб берилган маҳсулотлар хисоб-варак фактуралари асосида 90 кун ич ида утказиб беради.

4.3 «Ташкилот» томонидан 30% изи олдиндан тulos амалга оширилгандан сунг «Таъминотчи» З банк иш куни давомида мазкур шартномада курсатилган микдорда ва нархларда маҳсулотларни «Ташкилот» га етказиб беради.

4.4 Нархлардаги хар кандай узгаришлар шу жумладан бозор нархларининг узгариши хом ашё ва материаллар нархларидаги узгаришлар, конун хужжатларида белгиланган энг кам иш хаки микдорининг узгариши ёки бошкалар сабабли маҳсулотлар баҳосининг узгариши тарафларнинг келишуви асосида амалга оширилади ва ушбулар тугрисида шартномага кушимча келишув киритилади.

5 МАҲСУЛОТ СИФАТИ

5.1 «Таъминотчи» етказиб бериладиган маҳсулотнинг талаб ва стандартларга мос келишини кафолатлайди.

5.2 «Ташкилот» сифат ва яроклик сертификатлари булмаган маҳсулотларни кабул кильмайди.

6 МАҲСУЛОТЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА КАБУЛ КИЛИШ

6.1 Маҳсулотни кабул килишда «Ташкилот» уни микдори, сифати, ассортименти ва руйхатини «Таъминотчи» томонидан берилган маҳсулот етказилганлигини тасдиқловчи хужжат (хисоб-фактура), ушбу шартнома хамда буюртмадаги келтирилган маълумотларга мослиги юзасидан текшириб олади.

6.2 Маҳсулотни кабул килиш якуни буйича «Ташкилот» кабул килиш далолатномасини тузади. Ташкилот томонидан далолатноманинг имзоланиши кабул килинаётган маҳсулотнинг текширилганлигини билдиради.

7 ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

7.1 «Таъминотчи» маҳсулот етказиб беришда шартноманинг 2.1- булимида белгиланган шартларни бузганда, яъни маҳсулот етказиб бериш муддатларини кечикириб юборса, тулик етказиб бермаса кечикирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 фоиз микдорида пеня тулади. Лекин туланадиган пеня суммаси етказиб берилмаган маҳсулотлар умумий суммасининг 50 фоизидан ортмаслиги керак.

«Таъминотчи» томонидан жунатилган маҳсулотларга оид тulos ва маҳсулот етказиб берилганлиги тугрисидаги бошка хужжатлар уз вактида, яъни маҳсулот билан бирга «Ташкилот» га такдим этилмаса хар бир холат учун етказиб берилаётган маҳсулот кийматининг 1 фоизи микдорида жарима тулади.

7.2 «Таъминотчи» томонидан маҳсулотлар уз вактида ва белгиланган талаблар асосида етказаиб берилганда “Ташкилот” уларни асоссиз равишда кабул кильмаса, кабул килинмаган маҳсулотнинг 5 фоизи микдорида , тез бузиладиган маҳсулотлар буйича 10 фоиз микдорида жарима тулади.